ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М. А. Файзуллаев
Қарши давлат университети (PhD), катта ўқитувчи

Аннотация: Жанубий Ўзбекистоннинг тупроқ, иқлим ва бошқа табиий шароити қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун республикада қулай минтақа ҳисобланади. Шу асосда, ушбу мақолада ер ресурсларидан минтақа, вилоят ва қишлоқ туманлари кесимида фойдаланиш таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ер ресурслари, тупроқ, минтақа, ҳудуд, қишлоқ хўжалиги, ҳайдаладиган ерлар, суғориладиган ерлар, яйловлар, текислик, тоғ ва тоғолди ҳудудлар, аҳоли.

GEOGRAPHICAL FEATURES OF THE USE OF AGRICULTURAL LAND RESOURCES

M. A. Fayzullayev
PhD, Senior Teacher, Karshi State University

Abstract: Southern Uzbekistan in its soil and climate and other natural conditions are favourable region of the Republic for the development of agriculture. On this basis, this paper analyzes the use of land resources in the region by regions and in rural districts.

Key words: the land, ground, region, area, agriculture, arable land, irrigated land, grassland, plains, mountains and foothill areas, the population.

КИРИШ

Суғориладиган деҳқончилик ва, умуман, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ихтисослашуви ҳам республика минтақалари миқёсида бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Жанубий Ўзбекистон ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг бозор иқтисодиётига мос келадиган илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, мавжуд амалиётни чуқур таҳлил қилиш ёрдамида агроиқтисодий тизимнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу эса мажмуали иқтисодий географик, тизимли ёндашув, таҳлил ва умумлаштиришни тақозо этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида асосий ўрин тутади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда муҳим восита саналади. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар доирасида белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардир. Бу тоифадаги ерлар ушбу макроиқтисодиёт тармоғини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга бўлинади. Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жанубий Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олиб, майдони 48,7 минг кв.км ёки республика ҳудудининг 10,9 фоизини эгаллайди. Минтақада 5909,5 минг киши (01.01.2020 й.) яшайди, бу эса мамлакат аҳолисининг 17,3 фоизи демакдир.

Ўзбекистон умумий майдонининг 56,9 фоизи *қишлоқ хўжалиги ерлари* ҳисобланса, минтақада бу кўрсаткич 68,0 фоизга тенг ёки республика жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 13,5 фоизи кўрилаётган ҳудудда мужассамланган. Минтақа вилоятларида умумий майдонда қишлоқ хўжалиги ерларининг салмоғи бир-биридан сезиларли фарқ қилади: Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 75,0, Сурхондарёда 57,0 фоизга тенг. Бунга асосий сабаб Сурхондарё вилоятида тоғлилик коэффициентининг (70 %) юқорилигидир.

Экин ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча ҳудудлар киради. Экин ерларининг қишлоқ хўжалиги ерларидаги коэффициенти республикада 0,09 га тенг бўлгани ҳолда, Жанубий Ўзбекистонда 0,20, Сурхондарё вилоятида 0,25, Қашқадарё вилоятида 0,31 га баробар. Вилоят ички минтақаларида ҳам бу кўрсаткич бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Қуйи Сурхондарёда 0,45, Ўрта Сурхондарёда 0,14, Юқори Сурхондарёда 0,18, Қуйи Қашқадарёда 0,32, Ўрта Қашқадарёда 0,33, Юқори Қашқадарёда 0,27 га тенг. Кўриниб турибдики, тадқиқот объекти ҳисобланган Жанубий Ўзбекистоннинг текислик минтақаларида (Қуйи Сурхондарё ва Қуйи Қашқадарё) жами минтақа экин майдонининг 48 фоизи (460,6 минг га) тўпланган.

Экин ерлари, ўз навбатида, суғориладиган ва лалми ерларга бўлинади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган, суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Республикада суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 23,8 %, Жанубий Ўзбекистонда бу кўрсаткич 24,1 %, Сурхондарё вилоятида 26,8 ва Қашқадарё вилоятида 22,8 фоизга тенг. Экин ерларда суғориладиган ерларнинг ҳиссаси ҳам мамлакат, минтақа ва вилоятларда турличадир. Республика экин ерларида суғориладиган ерларнинг улуши 81,4 фоиз, минтақада у 69,0, Сурхондарё вилоятида 86,0, Қашқадарёда 62,0 фоизга тенг ёки мамлакат суғориладиган ерларининг 20 фоизи ушбу минтақага тўғри келади. Бу кўрсаткичлар вилоят ички минтақаларида ҳам ўзига хос бўлиб, таклиф қилинган формула бўйича суғориладиган ерларнинг экин ерларидаги коэффициенти аниқланди. Бунга кўра, бу кўрсаткич Қуйи Сурхондарёда 0,96, Ўрта Сурхондарёда 0,68, Юқори Сурхондарёда 0,79, Қуйи Қашқадарёда 0,94, Ўрта Қашқадарёда 0,33, Юқори Қашқадарёда 0,60 га тенг. Минтақа жами суғориладиган ерларининг 2/3 қисми (436,8 минг га) янги ўзлаштирилган ҳудудларга, яъни Қуйи Сурхондарё ва Қуйи Қашқадарёга тўғри келади. Минтақа қишлоқ туманларида ҳам бу коэффициент текисликдан тоғ олди ва тоғ туманларида ўзгариб боради. Жумладан, Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз, Қизириқ, Қумқўрғон, Шўрчи, Касби, Миришкор, Нишон, Муборак туманларида жами экин майдонининг 100 фоизи суғорилса (бу туманлар асосан Сурхон-Шеробод ва Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида шаклланган), Қамаши (21,1 %), Чироқчи (18,6 %), Бойсун (15,1 %), Деҳқонобод (4,2 %) туманларининг паст кўрсаткичларга эгалиги тоғ ва тоғолди ҳудудларда лалмикор деҳқончилик ривожланганлиги билан тавсифланади.

ХУЛОСА

Демак, Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида вужудга келган агроиқтисодиёт тизимининг ривожланиши мамлакат қишлоқ хўжалиги тараққиётига катта ҳисса қўшади. Ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тупроқ ва, умуман, қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Минтақада ер

ресурсларидан самарали фойдаланиш замирида мавжуд ички ва трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган чекланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ётади.

REFERENCES

1. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т: Fan va texnologiya, 2014. – 340 б.
2. Солиев А. Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Т.: Университет, 2014. – 404 б.
3. Файзуллаев М.А. Жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий географик омиллари. Геогр. фан. фалс. док. ... дис. автореф. – Т., 2017. – 48 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер фонди – Т.: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2018 й.
5. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, *1*(5), 110-113.
6. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, *1*(31), 14-16.
7. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, *5*(14), 26-28.